

Куч – адолатда

Адл ила олам юзин обод қил!

2026 йил
10 апрел,
жума
№ 14
(1100)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

«АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ТАМАДДУНИНИНГ ЖАҲОН ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Аввало, буюк давлат арбоби, енгилмас саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар тарихи ҳамда меросини ўрганиш ва тарғиб этишдек муҳим ишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган сиз, азизларни бугунги халқаро илмий конференциянинг очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу анжуманда дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган таниқли олимлар – профессор ва академиклар, нуфузли университетлар ҳамда илмий марказларнинг намояндalари, ижодкор зиёлилар, машҳур музей ва кутубхоналарнинг етакчи ходимлари, кўплаб оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этаётгани халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятига жаҳон миқёсида қизиқиш ҳамда эътибор тобора кучайиб бораётганидан далолат беради.

Конференция Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги юртимизда кенг нишонланаётган кунларда Ўзбекистоннинг уч минг йиллик бетакорор илмий-маданий мерос дурдоналарини ўзидa мужассам этган Ислom цивилизацияси марказида бўлиб ўтаётгани, айниқса, диққатга сазовор.

Мазкур илмий форум ўлка-миз тарихидаги улғувор ва ёрқин босқинчи ташкил этадиган Иккинчи Ўйғониш даври – темурийлар Ренессанси моҳиятини чуқур таҳлил қилиш, қизгин муҳокамалар ўтказиш, янги лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Азиз дўстлар!
Олис XIV асрда, ғоят мураккаб бир замонда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида миллий давлатчиликни қайта тиклаб, Ватан озодлиги, юрт тинчлиги ва ободлиги йўлида жасорат кўрсатган буюк аждодимиз Амир Темур асос солган қудратли салтанат жаҳон цивилизацияси тарихида қандай ўчмас из қолдиргани сизларга яхши маълум.

Бу ҳақда гапирганда, дунёдаги ўнлаб давлатлар ҳудудида Амир Темур ва темурийлар даврига оид меъморий обидалар ҳозирга қадар сақланиб келаётгани, турли минтақа ва мамлакатларда бу улғу шахс ҳамда унинг сулоласига бағишлаб кўплаб бадий, илмий ва тасвирий асарлар яратилганини таъкидлаш лозим.

Маълумки, Амир Темур ота юрти Шахрисабзда ўзи бунёд эттирган гўзал меъморий обида — Оқсарой пештоқиға "Адолат – давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шioriдир", деган сўзларни ёздирган эди.

Бу ҳикматли сўзлар бугунги кунимиз учун ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга. Чунки тинчлик ва адолат ҳукм сурган жойдагина илм-маърифат, санъат, адабиёт ва маданият тараққий топади.

Шу маънода, темурийлар Ренессанси нафақат Турон ўлкаси, балки бутун Шарқ оламининг илм-фани ва маданий равнақиға кучли таъсир кўрсатиб, янги маънавий юксалиш даврини бошлаб бергани бежиз эмас.

Ушбу сулоланинг машҳур намояндalари бўлган Мирзо Улуғбек, Бойсунқур Мирзо, Иброҳим Султон, Султон Хусайн Мирзо, Алишер Навоий, Бобур Мирзо ва бобурийларнинг илмий кашфиётлари, етук бадий асарлари ана шу ноёб маданий феномен маҳсули сифатида вужудға келганини жаҳон олимлари кенг эътироф этадилар.

Янги Ўзбекистонда Амир Темур ва темурийлар меросининг умумбашарий цивилизация тарихидаги ўрни ҳамда аҳамиятини ўрганиш, уни юртимиз ва чет элларда кенг оммалаштириш, ёшларни Ватанға муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларға ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида катта ишлар амалға оширилмоқда.

Хусусан, Амир Темурнинг 690 йиллиги муносабати билан алоҳида қарор қабул қилинди. Ушбу ҳужжатға биноан ҳар йил-

нинг апрель ойи мамлакатимизда Амир Темур ойлиги деб эълон қилиниши, маҳаллий ва халқаро миқёсда илмий-амалий конференциялар, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Бугунги анжуман ҳам ана шу йўлдаги яна бир амалий қадам бўлиб, биз Ўзбекистоннинг ҳақиқий дўстлари бўлган сизлар каби заҳматкаш олим ва тадқиқотчилар билан темурийлар Ренессансини, умуман, бой меросимизни чуқур ўрганиш, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-маънавий ислохотлар билан жаҳон жамоатчилигини янада кенг таништириш борасидаги ҳамкорликни изчил давом эттирамиз.

Анжуман давомида сизлар халқимиз даҳоси билан яратилган юртимиздаги тарихий-меъморий обидалар, маданий ёдгорликлар, нодир кўлёмза ва китоб фондлари билан яқиндан танишиб, уларни тадқиқ этиш, асраш ва тарғиб этиш бўйича қимматли таклиф ҳамда тавсияларингизни билдирасиз деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизға сиҳат-саломатлик, шарафли фаолиятингизда янги ютуқлар, конференция ишиға эса муваффақият тилайман.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МАЪНАВИЙ ПОЙДЕВОРИ БУЮК АЖДОДЛАР МЕРОСИДАН ҚУВВАТ ОЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 апрель кун Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбониға таширф буюрди ва Темурийлар тарихи давлат музейидаги реконструкция ишлари билан танишди.

Президентимиз хиёбонда машҳур давлат арбоби, енгилмас саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Шу кунларда Ватанимизда катта байрам, катта шодиёна – Амир Темур бобомизнинг 690 йиллиги кенг нишонланмоқда. Бу қутлуғ сана муносабати билан мамлакатимизда кўплаб маънавий-маърифий, илмий ва маданий тадбирлар ўтказилмоқда.

Амир Темур XIV асрда, ғоят мураккаб бир даврда юртимиз ҳудудида миллий давлатчиликни қайта тиклаб, Ватан озодлиги йўлида улкан жасорат кўрсатган буюк тарихий шахсдир. У асос солган қудратли салтанат жаҳон цивилизацияси тарихида ўчмас из қолдирган. Соҳибқироннинг хаёти ва фаолияти салкам етти асрдан буён дунё олимлари томонидан катта қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда. Турли мамлакатларда Амир Темур ва темурийларға бағишлаб минглаб бадий, илмий ва санъат асарлари яратилгани, бу ишлар бугун ҳам давом этаётгани унинг тарихий сиймоси ва мероси нечоғлиқ беқиёс эканидан далолат беради.

Халқимиз муқаддас юртимиз заминидан шундай улғу зот этишиб чиққани билан доимо фахрланиб

яшайди. Айниқса, бугунги кунда – Янги Ўзбекистон шароитида Амир Темур ва темурийлар тарихи ҳамда меросини чуқур ўрганиш ҳар қачонгидан ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Бу шонли сулола томонидан яратилган темурийлар Ренессанси мамлакатимизда янги Ўйғониш даври пойдеворини яратишда халқимиз учун ишонч, илҳом ва куч-ғайрат манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Амир Темурнинг "Куч – адолатда", "Адолат билан жаҳон гулшани обод бўлади" деган доно ўғитлари бугун юртимизда ижтимоий давлат барпо этиш, инсон қадрини улғулашға қаратилган кенг кўламли ислохотларда ўзига хос дастур ва амалий қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда. Шу маънода, Соҳибқирон мероси нафақат халқимизнинг шонли ўтмиши, балки бугунги тараққиётимиз ва келажак мақсадларимиз билан ҳам узвий боғлиқдир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда Амир Темур ва темурийлар меросини чуқур ўрганиш, уни юртимиз ва халқаро миқёсда кенг тарғиб этишға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Амир Темурнинг 690 йиллиги муносабати билан алоҳида қарор қабул қилиниб, кенг кўламли ишлар амалға оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида кенг кўламли ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашға оид, жумладан, техник жиҳатдан тартибға солиш тизимини такомиллаштиришға, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг давлат пенсия таъминотиға, маҳсулотларнинг умумий хавфсизлигиға, бозор назоратини амалға ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибға солишға қаратилган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Парламент фаолияти



ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Дастлаб депутатлар томонидан "Ҳарбий хизматчилар (ходимлар) ва уларнинг оила аъзоларининг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар,

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва махсус тузилмалар ходимлари, шунингдек, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалға оширилмоқда.

(Давоми 3-бетда) ►

9 апрел — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун!

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»: адолат, ҳуқуқ ва музаффар тафаккур маҳсули



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 февралда қабул қилинган «Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қароридa, жумладан, «Темур тузуқлари» асарининг илмий изоҳли матнини ўзбек тилида (лотин ва кирилл алифбаларида), шунингдек, форс, араб, хитой, инглиз, француз, испан ва рус тилларида чоп этиш белгиланган.

(Давоми 2-бетда) ►



Акмал САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, академик

Моҳият Суд-экспертлик фаолиятининг холислиги инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиради

Суд-экспертиза соҳаси — қонун устуворлиги ва адолатни таъминлашнинг муҳим устунларидан бири. Одил судлов фақат ишончли далилға таянгандагина ҳақиқий қийматға эга бўлади.



Зумрад БЕКАТОВА,
Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияға қарши курашиш қўмитаси аъзоси

Суд-эксперти томонидан берилган хулосалар тергов ва суд органларига иш юзасидан далилларға баҳо беришда алоҳида аҳамият касб этади. Бундай шароитда экспертлардан ҳам илмий ёндашув, ҳам замонавий технологиялардан оқилона фойдаланиш талаб этилади.

Шу боис мамлакатимизда сўнгги йилларда суд-экспертиза соҳасини ривожлантириш, моддий-техник базасини

қайта кўриб чиқиш ҳамда экспертлар салоҳиятини оширишға алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 3-бетда) ►

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини изчил ислох этиш орқали муҳим амалий ва ижобий натижаларға эришилди. Президентимиз томонидан судьялар орасида гендер тенгликни таъминловчи механизмларни жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Судьялар олий кенгаши олдиға тегишли вазибалар қўйилгани бу борда муҳим ўзгаришларға кенг йўл очди.

Гендер тенглик, яъни эркеклар ва хотин-қизлар тенглиги — инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Сўнгги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бу омил энг юқори даража-



Мезон Суд тизимида ГЕНДЕР ТЕНГЛИК

даги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тараққиётнинг ҳам негизидир. Қолаверса, гендер тенглик — мамлакатнинг демократик тараққиёт даражасини кўрсатувчи индикатор саналади. Гендер тенглик — нафақат инсоннинг асосий

ҳуқуқларининг ифодаси, балки тинчлик, фаровонлик ва барқарор ривожланишға эришишининг зарур асоси ҳамдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда аёллар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, хотин-қизларнинг дав-

лат бошқарувидаги ролини ошириш, аёлларни турли масъулиятли лавозимларға тайинлашға алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 3-бетда) ►



Нилуфар АЛЛАБЕРГАНОВА
Урганч туманлараро иқтисодий суди судьяси



Ўлмас УМАРБЕКОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Қизимға мактублар

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Катта ўғиллари Нўъмон ака, кичиклари Ўрмон билан Сулаймон ҳаёт. Сен, қизим, Нўъмон акани яхши билсан. Бизникиға кўп телефон

қилиб, ҳол-аҳвол сўраб туради. Хотини — Гулчеҳра опа билан тез-тез келиб кетади. Улар икковлари узоқ йил Чирчиқда яшашди.

(Давоми 4-бетда) ►

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚИЁТИНИНГ МАЪНАВИЙ ПОЙДЕВОРИ БУЮК АЖДОДЛАР МЕРОСИДАН ҚУВВАТ ОЛАДИ

◀(Бошланиши 1-бетда)

Жумладан, ҳар йил апрель ойини мамлакатимизда Амир Темури ойлиги сифатида ўтказиш белгиланди. Ижодкорлар томонидан янги илмий ва бадиий китоблар, фильм ва спектакллар, тасвирий санъат асарлари яратилмоқда. Хусусан, машҳур “Темури тузуқлари” асари янгитдан нашр этилди. Юртимизда улуг бобомиз номи билан аталган давлат мукофотлари, майдон ва хиёбонлар, таълим ва маданият масканлари мавжуд. Худудлардаги “Темурбеклар мактаблари” эса ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда ўзига хос намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу кунларда пойтахтимизда Амир Темури ва темурийлар Ренессансига бағишланган нуфузли халқаро конференция ўтказилаётгани ҳам ушбу эзгу ишлар изчил ва тизимли давом этаётганининг ёрқин тасдиғидир. Унда юртимиз олимлари билан бир қаторда дунёнинг турли мамлакатларидан таширф буюрган атоқли тарихчилар, шоир ва адиблар, маданият ва жамоат намоёндалари иштирок этмоқда.

Бугун мамлакатимизда Сохибқирон ўғитларига амал қилиб, адолатли давлат куриши, мухтожларга ёрдам бериши, ёшлар, хотин-қизлар ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш, илм-маърифат ва бунёдкорликни ривожлантириши, дунёга очiq бўлиб, турли мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатлар ҳам Амир Темури меросининг бугунги ҳаётимиздаги долзарб аҳамиятини яққол намоён этади.

Ўзлимизни англаш, бой тарихимизни тиклаш ва аждодларимиз меросини келажак авлодга етказиш мақсадида кейинги йилларда йирик маънавий-маърифий масканлар барпо этилди. Тошкентда Ислоҳ цивилизацияси маркази, Самарқандда Имом Бухорий мактабиди бунёд этилди. Шулар қаторида бундан 30 йил олдин қурилган Темурийлар тарихи давлат музейи ҳам замонавий талаблар асосида тубдан қайта таъмирланди. Энди ушбу маскан илму маърифат, инновацион тафаккур, янги ғоялар ва тадқиқотлар марказига айланмоқда. Бу ерда барча зарур шароитлар яратилган бўлиб, маъруза даргоҳ эл-юрт, айниқса, ёш авлодни миллий ғурури ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Тадбир давомида Амир Темури хотирасига юксак эҳтиром кўрсатилиб, ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Маълумки, Сохибқирон Амир Темури қаерда бўлмасин, боғу роғлар барпо этишга, ҳар бир қарич ерни обод қилишга катта аҳамият қаратган. Ана шу бунёдкор аъёнларнинг узвий давоми сифатида Амир Темури хиёбонида ҳам катта ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Тадбир якунида Президент Шавкат Мирзиёев хиёбонда кўчат экти. Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Сохибқирон Амир Темури таваллуд топганининг 690 йиллиги муносабати билан реконструкция қилинган Темурийлар тарихи давлат музейига таширф буюрди.

Маълумки, Мовароуннахр-ни ягона давлат сифатида бириктирган Сохибқирон

пойтахти Самарқанд бўлган қудратли салтанат тўзди. Ўзининг дунёга машҳур “Темури тузуқлари” орқали давлатни бошқаришнинг ҳуқуқий мезонларини белгилаб берди. Илм-фан ва маданият ривожига ҳам беқиёс хисса қўшиб, Иккинчи уйғониш даври – темурийлар Ренессансига асос солди.

Унинг даврида бунёд этилган бебаҳо обидалар ўзбек халқининг миллий ғурури ва ўлмас тарихий мероси бўлиб хизмат қилмоқда.

Бобомизнинг “Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин”, дея таъкидлаган ҳикматли сўзлари бугун Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларда яққол акс этмоқда.

Ушбу улуг зот таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида жорий йил 5 февраль куни Президентимизнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ҳужжатга кўра, ҳар йили апрель ойи “Амир Темури ойлиги” деб эълон қилиниб, таълим муассасалари, илмий марказлар ва маҳаллаларда темуршунос олимлар, ёзувчи ва санъаткорлар иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари ва маърифий тадбирлар ўтказилади.

Қарор ижроси доирасида дунёдаги машҳур музейларнинг энг илғор тажрибаларини қўллаган ҳолда Темурийлар тарихи давлат музейи биноси реконструкция қилинди, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Рақамлаштириш орқали имкониятлари кенгайтирилиб, экспозициялари янгиланди, жумладан, хориждаги тўппамлардан харид қилинган экспонатлар билан бойитилди.

Жумладан, музейнинг биринчи қаватида “Буюк Сохибқирон – Иккинчи Ренессанс асосчиси” бўлими ташкил этилди. Иккинчи қаватда эса сунъий интеллект ва “ақлли” технологиялар асосида Амир Темури даври ва темурийлар ҳақида интерактив экспозициялар жойлашган. Шунингдек, 3D форматдаги экспонатлар ҳамда хариталар намойиш қилинган.

Давлатимиз раҳбари Темурийлар тарихи давлат музейининг янгиланган экспозицияси ва таширф буюрувчилар учун яратилган шароитлар билан танишар экан, аждодлар меросини ўрганиш, асраб-авайлаш ва тарғиб этишининг нақадар муҳим эканига ургу берди.

— Дунё ҳавас қилгулик тарихимиз, меросимиз бор. Сохибқирон тарихини жамлаган музей замонга муносиб янги қиёфага келгани яхши бўлди. Энди буни аҳолимизга, ёшларга, хорижлик меҳмонларга етказиш энг катта вазифамиз. Янги Ўзбекистонни юксалтириш учун керакли билимларни қаердан олиш мумкин десангиз, буларнинг жаммаси — аждодларимиз қолдирган меросда, илмда. Шу боис, ёшларимизни, нурунийларни, умуман, аҳолимизни маҳаллабай тарзда музейларга олиб келиб, буюк тарихимиз ҳақидаги билимларини оширишимиз лозим, — деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёев таширф асносида Темурийлар тарихи давлат музейининг меҳмонлар китобиغا дастхат қолдирди.

Абдулазиз РУСТАМОВ,
Бехруз ХУДОБЕРДИЕВ,
ЎзА мухбирлари

◀(Бошланиши 1-бетда)

Бу ҳақда фикр юритганда, мамлакатимиз миллий тараққиётининг янги босқичи — Учинчи Ренессансга қадам қўяётган, ҳаётимизнинг барча жаҳаларида туб ўзгаришлар юз бераётган бугунги кунда Сохибқирон Амир Темурининг шахсияти, буюк аждодимизнинг башариятга оид тарихи ва Турон тамаддунидаги ўрни ҳамда Темурийларнинг бой ва бетакрор меросини чуқур ўрганиш, юртимиз ва чет элларда кенг оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмаслигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Сохибқирон бобомиз марказлашган давлатга асос солиб, унинг куч-қудратини ҳар томонлама мустаҳкамлаб ва ривожлантириб, шон-шухратини бутун жаҳонга ёйди, буюк салтанатнинг ҳукмдори сифатида миллатлар ва халқларни бириктирди. У зотнинг даврида иқтисодий ва савдо, маданият ва илм-фан, меъморчилик ва тасвирий санъат, musiқа ва шеърят юқори чўққиларга кўтарилди. Бир сўз билан айтганда, Темурийлар даври Ренессансига асос солинди.

ТУЗУК НИМА?

Турли манбаларда бу асар «Темури тузуқлари», («Тузуки Темурий») «Темурнинг айтганлари» («Малфузоти Темурий») ва «Темури ҳақида хотиралар» («Воқоти Темурий») деган номлар билан аталади. Бугунги кунда «Темури тузуқлари»нинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари дунё бўйлаб кенг тарқалган. Ушбу ноёб асарни жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида, жумладан, Буюк Британия, Франция, АКШ, Россия, Финляндия, Дания, Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Миср, Яман кутубхоналаридан топса бўлади.

«Тузуқ» сўзининг луғавий маъноси қонун-қоидалар тўплами, низом, деган маъноларни аниглайди. Бошқача айтганда, Тузуқ – Конституция (лотинча «Constitution» – тузилиш, тузуқ) – давлатнинг Асосий Қонуни, деганидир. «Конституция» атамаси, «Император Конституцияси» деб аталган қонун мисолида, қадимги Римдаёқ маълум бўлган. Ўз навбатида, «Темури тузуқлари» Шарқ ва Осиё мамлакатлари цивилизациясига хос алоҳида шаклдаги конституциявий ҳужжат хусусиятига эга бўлиб, шариат қонунлари билан бир қаторда Марказий Осиё минтақаси халқлари тақдирига кучли таъсир ўтказган.

Атоқли рус олими Д.Логофет «Темури тузуқлари»ни ўрганиб, унга Туркистонда Европадан 500 йиллар олдин вужудга келган Конституциявий кодекс, бошқача айтганда, Амир Темури салтанатининг Конституцияси, деб юксак баҳо берган.

Азалдан маълумки, қайси бир асар мазмун-моҳиятан ғоятда қимматли, амалда жуда зарур бўлса, ушандан кўплаб нусхалар кўчирилган ва тарқатилган. «Темури тузуқлари» асосан тоғу тахт соҳиблари учун муҳим қўлланма ҳисобланган. Шунинг учун ҳам, ҳукмдорларнинг аксарияти бу асардан нусха кўчириб, шахсий кутубхонасида асраган ва ундан давлат сиёсий фаолиятида муҳим йўл-йўриқ сифатида фойдаланган.

Тарихга муурожаат этадиган бўлсак, буюк ватандошимиз Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг авлоди Шоҳ Жаҳон (1628-1657), Қўқон хони Мухаммад Алихон (1821-1842) ва Бухоро амири Абдулаҳадхон (1885-1910) моҳир котибларига буюриб, «Темури тузуқлари»дан ўзлари учун нусха кўчирирганлар.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир сатри бир умр эл-юрт, салтанат ташвиши билан яшаган фидойи инсон, улкан давлат арбобининг кенг миқёсдаги уй-фирқлари, ҳаёт ва кураш тажрибаси, мушоҳадаси, баъзан эса, дардли ва изтиробли кечинмалари билан суғорилган бу асарда қандай теран маъно муҳассам эканини маърифатли, зукко инсонлар яхши англашлари тайин.

Мустақиллик йилларида «Темури тузуқлари» қайта-қайта нашр этилаётгани таҳсинга лойиқ. Хусусан, камини Ўзбекистоннинг Франциядаги Фавкуллода ва мухтор элчиси ҳамда ЮНЕСКОдаги Доимий вакили сифатида фаолият олиб борган даврда – 1996 йили Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги ва 1994 йили Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги таваллуд саналарини ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида халқаро миқёсда юксак даражада ўтказишда бевосита иштирок этиш баробарида, буюк Сохибқирон ҳаёти ва фаолиятига оид бир қатор китобларни нашрдан чиқаришга ҳам имкон қадар хисса қўшган.

Ўшанда – 1996 йили француз темиршунос олими Люсьен Керен билан ҳаммуаллифликда «Амир Темури ва Франция» китобини Парижда нашр-

9 апрел — Сохибқирон Амир Темури таваллуд топган кун!

«ТЕМУРИ ТУЗУҚЛАРИ»:

адолат, ҳуқуқ ва музаффар тафаккур маҳсули

дан чиқарганмиз. Ушбу китобнинг тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри 2016 йили Тошкентда чоп этилди. Шунингдек, академик Эдвард Ртвеладзе билан ҳаммуаллифликда 1996 йили Парижда «Амир Темури в зеркале мировой истории» библиографиясини нашр эттиргандик.

Худди уша даврда «Темури тузуқлари»нинг ўзбек, француз ва инглиз тилларидаги нашрини чоп эттиришга муваффақ бўлдик. Ўз навбатида, 2008 йили Самарқандда профессор З.Муқимовнинг “Амир Темури тузуқлари” номи тарихий-ҳуқуқий тадқиқоти каминанинг масъул муҳаррирлигида нашрдан чиққан.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил октябрда Францияга амалга оширган расмий таширфи муносабати билан «Темури тузуқлари»нинг француз шарқшуноси, профессор Луи-Матьё томонидан 1787 йили юксак савияда француз тилига таржима қилинган матни нашр этилиб, алоҳида нусхаси Франция Республикаси Президентини Эммануэл Макрон тақдим этилганини таъкидлаш даркор.

Давлатимиз раҳбарининг ўша ноёб нашрга ёзган сўзбошиси «Темури тузуқлари» ёки давлат бошқарувининг қомуси» деб номланган. Унда, жумладан, шундай сатрлар бор: «**Амир Темурининг шону шухрати, ҳаёти ва фаолиятига бўлган қизиқиш жаҳоннинг турли мамлакатларида тобора ортиб бормоқда. Бу мавзуда нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам неча юз йиллардан буён мунтазам илмий ва бадиий асарлар яратиб келинмоқда. Шу ўринда Франциянинг бизнинг маданиятимиз, тилимиз, буюк аждодларимиз меросини ўрганиш борасида ҳам пешқадам эканини мамнуният билан таъкидлайман.**»

АМИР ТЕМУРИНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИ

Сохибқирон аждодимиз, илгариги даврлардан фарқли ҳолда, жамиятдаги барча табақаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини инобатга олиб, уларнинг ҳаёти учун зарур ижтимоий заминни вужудга келтирган. Ҳар бир тоифанинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятлари ўзига хос қонун билан кафолатлаб қўйилган.

Амир Темурининг улкан хизматларидан яна бири – давлат бошқарувини ташкил қилиш билан боғлиқ. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижроия тармоқларига бўлинишига асосланган мазкур тизимни жорий этишда Амир Темури ўзи яшаб турган воқеликни назарда тутиб ҳолда иш юритган.

Таниқли тарихчи олим Азамат Зиё фикрича, бу тизимда салтанат даражасига кўтарилган давлатнинг жуғрофий худудлари доирасида яшовчи халқларнинг турмуш тарзи, аъёнлари, маънавий-руҳий эҳтиёжлари ҳам инобатга олинган. Давлат бошқаруви тизимига Амир Темури олиб кирган янгиликнинг моҳияти ҳам, аслида, шу билан белгиланади.

Амир Темури олий давлат идораси мақомида қурултойни белгиллаган. Бугунги тушунчадаги конгресс, ассамблея, мажлис, сьезд кабиларга тўғри келадиган ушбу сиёсий институт бошқарув маҳкамаси ва давлат аҳамиятига молик бўлган энг асосий масалаларни ҳал этиб, унда салтанатдаги барча йирик сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва маданий соҳа намоёндалари иштирок этган.

Давлатни мустаҳкамлаш, жамиятни ривожлантириш борасида ижро этувчи тизим – вазирликнинг ўрни муҳим бўлган Амир Темури даврида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий муносабатларни тўғри йўлга қўйиб, улардан жамият манфаати йўлида фойдаланиш учун қатъий интизомга асосланган, талабчан ижроия механизми зарур эди. Сохибқирон ана шундай тизимни яратган.

Амир Темури салтанатининг ижро этувчи тизимидаги сажиз вазирлик ва яна бир неча муассасалар молия, солиқлар, етишар ва харажатлар, мулкчилик, даштириладиган ҳосил, чорва, яйловлар аҳволи, ободончилик, хабар ва почта, ҳарбий ва адлия соҳаларини бошқарган. Масалан, ҳарбий ишлар вазирлиги ҳарбийларга маош бериш, уларга тегишли мулкларни бошқариш, қурол-аслаҳа таъминоти, ҳарбий машқларни ташкил этиш каби вазифалар билан бир қаторда, истеъфога чиққан, урушда ярадор бўлиб,

меҳнат қобилиятини йўқотганларга нафақа белгилаш каби юмушларни ҳам бажарган.

СОХИБҚИРОНИНГ 12 МУҲИМ ТУЗУГИ

Ўз навбатида, «Темури тузуқлари» асари давлатни идора қилиш усуллари, қўшинни ташкил этиш қоидалари, урушларда амалга оширилиши зарур бўлган турли ҳарбий услублар сингари қатор сиёсий, ҳуқуқий, ҳарбий ва ахлоқий ғоялар ва меъёрларни ўз ичига олган.

«Темури тузуқлари»нинг марказида инсон, унинг кадр-қиммати жойига қўйиш масаласи туради. Шу маънода, Сохибқироннинг ҳуқуқий қарашларида, аввало, мамлакат ишлари тузуки алоҳида аҳамиятга эгадир.

«Темури тузуқлари»да «Салтанат ишларини қонун ва қоидалар, тўра ва тузуқка солиб, салтанатим мартабаю эътиборини сақладим», дейилади ва салтанат обрў-мартабасини сақлашга доир қуйидаги тўртта асосий тузуқ санаб ўтилади.

«Биринчидан, салтанатим қонун-қоидаларини ислом дини ва кишиларнинг энг хайрлиси (ҳазрати Мухаммад)нинг шариатига боғлаб, иззату ҳурматлаш вожиб бўлган онҳазратнинг авлоди ва соҳобаларига муҳаббат билдириш асосида туздим. Салтанатим мартабасини тўра ва тузуқлар асосида шундай сақладимки, унинг ишларига аралашишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди.

Иккинчидан, сипоҳу райатни умид ва қўрқув орасида сақладим. Дўст-душманни мурося мадора мартабасида тутдим. Қилмишларини, айтган гапларини сабр-тоқат ва чидам билан ўтказдим. Дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди...

Учинчидан, ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни Парвардигори оламга топширдим. Иш қўрган, синалган, шижоатли эр-ийгитларни қошимда тутдим. Софдил кишилар, сайидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очиқ эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузук қўрқоқларни мажлисимдан қувиб юбордим.

Тўртинчидан, очиқ юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узокроқда бўлишга интилдим», деб қайд этилади асарда.

«Темури тузуқлари» талаблари доирасида Амир Темури ўз салтанатини ўн икки тоифадаги кишилар билан мустаҳкамлагани тарихдан яхши маълум. Бу ҳақда: “Салтанатим мартабаси бўлмиш тўра-тузуқлар ва қонун-қоидаларни ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим”, дейди буюк Сохибқирон.

«Темури тузуқлари»да давлат бошқарувининг ҳар бир соҳаси ва ҳар қайси мансаб даражаси бўйича муайян тузуқлар битилган. Амир Темури 12 та энг муҳим тузуқни ўзига шиор қилиб олган ва салтанатни тасарруфидо сақлаш учун уларга қатъий амал қилган. Бинобарин, улуг аждодимиз эътироф этганидек, “Ўз тажрибамдан синаб билдимки, агар қай бир подшоҳ шу ўн икки нарсага эга бўлмас экан, салтанатдан бебаҳра қолур”.

Шундай қилиб, 27 мамлакатдан тарқиб топган буюк салтанат асосчиси Сохибқирон Амир Темури ибн Тарағай йирик давлат арбоби, моҳир дипломат, улуг саркарда, илму маданият ҳомийси, ҳақ ва адолатнинг жасоратли яловбардори сифатида миллий давлатчиликка, ҳуқуқ ва сиёсат соҳасида ўзидан унутилмас ва барҳаёт таълимотлар, тўра-тузуқлар қолдирган.

«ТЕМУРИ ТУЗУҚЛАРИ» ВА ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ

Амир Темурининг ҳуқуқий қарашлари ва қонунчилик тизими бутун Темурийлар салтанатида ҳаётнинг барча жаҳаларида ўз аксини топиб, улкан амалий аҳамиятга эга бўлган. Жумладан, Буюк Ипак йўли хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилгани, бу билан савдо-тижорат ривожига катта хисса қўшган Шарқу Ғарб мамлакатларини бир-бирига янада яқинлаштирган.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқад-

димасида ушбу Асосий Қонун «давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига, шунингдек, жаҳон цивилизациясига беқиёс хисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига таяниб» қабул қилинди, деб таъкидланган. Албатта, ўзбек давлатчилиги ривож тарихий тажрибасининг энг муҳим қисми – Амир Темури ва темурийлардан мерос ҳуқуқий, сиёсий ва тарихий манбалардан, айниқса, «Темури тузуқлари», «Бобурнома», «Жаҳонгир тузуғи», «Хумоюннома», «Зафарнома» каби кўплаб нодир асарлардан иборатдир.

Сохибқирон қолдирган қонуний меъёрлар ва ҳуқуқий нормалардан Конституциямизнинг турли қисм ва бобларида, жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси», «Ўзбекистон Республикаси Президенти», «Вазирлар Маҳкамаси», «Суд ҳокимияти», «Мудоффа ва хавфсизлик» бобларининг муайян моддаларида, замон талабларини назарда тутган ҳолда, ижодий фойдаланилган.

Қонунга асосланган тизимнинг аҳамиятини чуқур англаган Амир Темури ҳақли равишда «**Куч – адолатда**» деган олий меъёрни ўзига шиор қилиб олган ва ҳатто ушбу ҳикматни узук-муҳрига ўйиб ёздирган. Бу ҳақда Ибн Арабшох шундай ғувоҳлик беради: «**Темури тамғасининг нақши «Рости рости» бўлиб, бу «ҳақгўй бўлсан, нажот толасан» демакдир.**» Сохибқироннинг бу пурҳикмат сўзлари бугун ҳам қудратли демократик ҳуқуқий давлат қуриш учун асосий йўлланма ҳисобланади.

Амир Темурининг ҳуқуқий қарашлари ва амалий фаолияти ҳар доим адолат ва инсоф меъёрлари билан ҳамоҳанг бўлган. Улуг Сохибқирон ўз давлати худудларида тузуқ-тўра ва шариат қоидалари устуворлигини амалда таъминлаган. Бу ҳақда, жумладан: «**Сипоҳиларимни ҳаммаша жангга тайёр ҳолда тутдим; ойлук ҳақларини сўратирмай вақтида берардим. Чунончи, Рум юришида сипоҳиларимга ўтган ва келажакда қиладиган хизматлари учун етти йиллик озиқ-овқатларини бирварақайга бердим.**» дейилади «Темури тузуқлари»да.

Бундан ташқари Сохибқирон салтанатида касбу ҳунар ва маърифат аҳли мунтазам иш билан таъминланган. Сармосяи қўлидан кетиб қолган савдогарларга ўз сармосяини қайтадан тиклаб олиши учун ҳазинадан етарли миқдорда олтин берилган. Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-текин учун зарур уруғлик ва меҳнат қуроллари тайёрлаб берилган. Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган бундай амалий мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Амир Темури асос солган буюк давлат ўзининг турли босқичларида – ҳам Турон, ҳам Хуросон, ҳам Эрон, ҳам Ҳиндистонда адолат меъёрларига асосланган тузум сифатида олам аҳлининг диққатини ўзига тортди, ҳануз тарихий аҳамиятини йўқотмаган. Бугунги кунда Сохибқироннинг суд ва қонунчиликка муносабати ҳам алоҳида ўрнатилган сифатида алоҳида таъминлашга қаратилган бундай амалий мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сурган Янги Ўзбекистонни бунёд этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш ғояларини рўйбга чиқариш учун мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида шиддатли ислохотлар изчиллик билан амалга оширилаётган ҳозирги даврда “Темури тузуқлари” китоби бўйича ёшларимизга, навқирон ҳарбийларимизга мунтазам сабоқ берилаётгани ниҳоятда долзарб ва муҳим ютуқ ҳисобланади. Зеро, Сохибқирон Амир Темури ўз даврида давлатчилик фалсафаси тарихида янги дунёқарашга асос солган ва уни амалда муваффақиятли татбиқ этган улуг зотдир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон истиқлолга эришгач, Амир Темури шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланади. Сохибқирон Амир Темури номи, унинг буюк сиймоси халқимизни бириктиришда, жишлаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажакимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлаб турибди.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бу борада 2025 йил 5 сентябрда давлатимиз раҳбари ҳузурида ўтказилган тақдиримиз суд экспертиза соҳасини янада ривожлантириш, ҳудудларда ўтказиладиган экспертиза турларини кўпайтириш, соҳада энг замонавий технологияларни жалб қилиш, нодавлат сектор улушини ошириш каби қатор устувор вазифалар белгилангани катта аҳамият касб этди.

2025 йил 8 сентябрда Ўзбекистон Президентининг “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам қабул қилинди.

Бу ҳақда фикр юритганда, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу билан бирга, ўз ечимини кутаётган айрим муаммолар ҳам мавжуд.

Биринчидан, нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари ва нодавлат суд экспертнинг ҳуқуқий мақоми, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига асосан тадқиқотлар ўтказилиши ҳамда электрон маълумотлар билан ишлаш тартиблари қонун даражасида белгиланмаган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига асосан 2023–2024 йилларда 16 мингдан ортиқ тадқиқот ўтказилган. Аини тадқиқотлар ҳулосалари, ўз навбатида, турли зиддиятга ҳолатларга ижобий баҳо беришда қўмаклашмоқда.

Иккинчидан, халқаро тан олинган тадқиқот усуллари ни мамлакатимизда қўллаш масаласи ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган. Амалда фойдаланилаётган 500 дан ортиқ услубийнинг 200 га яқинини халқаро талаблар асосида такомиллаштириш тақозо этилади.

Учинчидан, экспертиза тадқиқотларини ўтказишда илмий, таълим ва бошқа ташкилотлар имкониятларидан фойдаланиш етарли даражада йўлга қўйилмаган. Амалиётда илмий, таълим ва бошқа ташкилотлар мутахассислари фақат суд-тергов органлари томонидан заруратга кўра, эксперт сифатида жалб қилинганда-

гина экспертиза тадқиқотларини ўтказмоқда.

Тўртинчидан, халқаро ҳамкорлик ва чет эл экспертларини жалб қилиш имкониятлари чекланган.

Айтиш кераки, Олий Мажлис Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган “Суд-экспертлик фаолияти тўғрисида”ги қонун мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг манфиқий давоми бўлди. Янги қонун мавжуд муаммоларни барта-



раф этиш, соҳани ривожлантириш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилгани жуда муҳим.

Янги қонунда, аввало, нодавлат суд экспертларининг ҳуқуқий мақоми, уларни ташкил этиш, фаолият йўналишлари белгиланмоқда, шунингдек, нодавлат суд-экспертларига бюро ташкил этган ҳолда яқка тартибда фаолият юритишга рухсат берилмоқда. Бу, ўз навбатида, давлат суд-экспертиза муассасаларининг мавжуд иш юкла-

маси камайишига, ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органларнинг малакали суд экспертизаси ҳулосаларига бўлган эҳтиёжларини қондирилиши ҳамда фаолиятда рақобатни таъминлашга ёрдам беради.

Шунингдек, янги қонунда адвокатнинг сўровига асосан ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига мувофиқ шартнома асосида давлат ва нодавлат суд экспертлари томонидан тадқиқотлар

ўтказиш тартиблари назарда тутилмоқда. Экспертиза тайинлашга доир масалаларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солиниши судда тортишувчанлик институтининг таъминлашига хизмат қилади.

Суд-экспертлик фаолиятининг янада ишончлилигини ошириш мақсадида аккредитация ва валидация институтлари жорий этилмоқда. Суд-экспертиза тадқиқотларида фойдаланиб келинаётган усулларни, услубийларни, шунингдек, ускуналарнинг сифати

чеклов омиллари сифатида назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ваколатли давлат органи сифатида Адлия вазирлигининг суд-экспертлик соҳасини давлат томонидан тартибга солиш борасидаги ваколатлари аниқлаштирилмоқда. Натижада Адлия вазирлигига суд экспертизаси соҳасида илмий-услубий ишларни ташкил этишга қўмаклашиш, устувор йўналишларини ишлаб чиқиш каби ваколатлар берилмоқда.

Шу билан бирга нодавлат суд экспертларини бирлаштирувчи, уларга яқиндан қўмаклашувчи Суд экспертлари палатасини ташкил этиш кўзда тутилиб, унинг вазифалари белгиланмоқда. Палата нодавлат суд экспертлари ихтиёрий аъзолиги асосида тузилади.

Бундан ташқари суд-экспертлик фаолиятини молиялаштириш тартиби такомиллаштирилмоқда. Хусусан, давлат суд-экспертиза муассасалари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига мувофиқ ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, эксперт фикрлари берганлиги учун тўлов ундиришга ҳақлилиги қайд этилмоқда.

Суд ва ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органларга янада қулайликлар яратиш ва уларнинг ишлари суд экспертига бўлган талабларини тўлиқ қондириш мақсадида суд экспертизасини чет давлатнинг суд экспертларини жалб қилиш орқали ўтказиш механизмлари белгилаб қўйилмоқда.

Ушбу янги қонунни ишлаб чиқиш жараёнида АҚШ, Франция, Нидерландия, Жанубий Корея, Россия каби қатор хорижий давлатлар қонунчилиги батафсил таҳлил қилинди.

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу янги қонуннинг қабул қилиниши нодавлат суд экспертлари фаолиятининг йўлга қўйилишига, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ва адвокатнинг сўровига асосан экспертиза тадқиқотларини ўтказишнинг ҳуқуқий асослари яратилишига, экспертиза ҳулосалари ишончлилигининг янада ўстирилишига, судда тортишувчанлик институтининг тўлақонли таъминлишига хизмат қилади.

Энг муҳими, ушбу янги қонунда назарда тутилган нормалар суд-экспертлик фаолиятининг ҳолисслиги, мустақиллиги ва ишончлилигини таъминлаш орқали суд қарорларининг адолатли қабул қилиниши учун мустақкам ҳуқуқий замин яратади, судлов жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиради.

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мазкур қонун лойиҳаси билан ҳарбий хизматчилар (ҳодимлар) ва уларнинг оила аъзоларини давлат пенсиялари билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини қонун билан белгилаш, пенсия тайинлаш шартлари, турлари, миқдори ва тартибига оид нормаларни такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Хусусан, ҳарбий хизматда 30 йилдан ортиқ хизмат қилганлар учун пенсиянинг базавий миқдорини аниқлашда иш ҳақининг ҳисобга олинмаган миқдорини 75 фоиздан 100 фоизга ошириш, шунингдек, пенсия депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

“МУВОФИҚЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ” ТАМОЙИЛИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Мажлисида “Маҳсулотларнинг умумий хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан ноозиқ-овқат маҳсулотлари учун умумий хавфсизлик қондалари белгиланмоқда. Шу билан бирга, айрим юқори хавфли маҳсулотларга нисбатан янада қатъий талаблар қўйиш кўзда тутилмоқда. Маҳсулотларни хавф даражасига қараб тоифалаш орқали уларни назорат қилиш тартибини такомиллаштириш тақдир қилинди.

Қонун лойиҳасида Жаҳон савдо ташкилотининг Савдодаги техник тўсиқлар бўйича битими талаблари инобатга олинган. Хусусан, техник регламентлар халқаро савдода ортиқча тўсиқлар яратмаслиги, маҳсулотлар учун тенг шарт-шароитлар таъминлиши ҳамда истеъмолчиларни чағитувчи ҳолатларнинг олдини олиш таъминлиши мустақкамланган.

Техник регламентлар эса маҳсулот конструкциясига эмас, балки унинг хавфсизлиги ва натижавий қўрсаткичларига қаратилган талабларни ўз ичига олиши белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасига кўра, ишлаб чиқарувчилар, им-

миқдорини ўн бараваридан келиб чиқиб ҳисоблаш амалиётини ўн икки бараваридан келиб чиқиб амалга ошириш тақдир қилинди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасидаги нормалар ҳарбий хизматчилар (ҳодимлар) ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлиги ва ҳарбий хизмат жозибадорлигини ошириш, пенсия таъминоти соҳасидаги муносабатларни аниқ тартибга солиш, шунингдек, соҳага ёшларнинг қизиқиши ва иштирокини қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

порт қилувчилар ва сотувчилар зиммасига катта масъулият юклатилмоқда. Улар маҳсулотнинг талабларга мослигини баҳолаш, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш, зарур ҳолларда эса, маҳсулотни маҳсус мувофиқлик белгиси билан таъминлаш шарт бўлади.

Яна бир янгилик — “Мувофиқлик презумпцияси” тамойили жорий этилаётганидир. Бунда амалдаги стандартларга мувофиқ ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хавфсиз, деб ҳисобланади.

Маҳсулотларни баҳолашда эса, унинг бошқа маҳсулотлар билан ўзаро таъсири, фойдаланиш шартлари, аҳолининг турли қатламлари — болалар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва бошқалар учун хавфсизлиги алоҳида эътиборга олинади.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ноозиқ-овқат маҳсулотлари учун аниқ ва шаффоф хавфсизлик талабларини белгилашга, иқтисодий операторлар масъулиятини оширишга ҳамда хавфли маҳсулотларнинг бозорга кириб келишининг олдини олишга хизмат қилади.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР МАНФААТЛАРИ — УСТУВОР МАСАЛА

Шунингдек, депутатлар аёллар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш қонунчилигининг вазимини янада такомиллаштириш ҳамда айрим жиноятлар тергови самардорлигини оширишга қаратилган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, айниқса, хотин-қизлар ва болаларни техник ҳодимларни ташкил қилади.

Хулоса ўрнида шунини айтмоқчимизки, келгусида вилоят суди тизимида аёл судьялар сонини «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган даражага етказиш тақозо этилади.

Шундай экан, жойларда, олий таълим муассасаларининг юриспруденция йўналишида таълим олаётган талаба қизлар, давлат бошқарув тизимида фаолият олиб бораётган, олий юридик маълумотга эга бўлган хотин-қизлар орасида кенг қўламли тарғибот ишларини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бу саъй-ҳаракатларимиз орқали мамлакатимизда суд тизимида гендер тенгликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшган бўлаимиз.

Болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасида прокуратура органларининг вазимини янада такомиллаштириш ҳамда айрим жиноятлар тергови самардорлигини оширишга қаратилган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилди.

Бундан ташқари, мансабдор шахслар томонидан содир этилган, айниқса, инсон ўлимига олиб келган жиноятларни тергов қилиш амалиётини ҳам такомиллаштириш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, жинсий эркинликка қарши жиноят содир этган шахсларнинг жазони ўташ тартибини қатъийлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Жиноят-ижроия кодексига киритилаётган ўзгартирилган қисмларда назарда тутилган жиноятларни вояга етмаганларга нисбатан содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларнинг манзил-колонияларга ўтказилмаслигини назарда тутувчи қатъий тартиб белгиланмоқда.

Қизгин муҳокамалардан сўнг депутатлар томонидан қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

■ Мезон

Суд тизимида гендер тенглик

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Натижада аёлларимиз депутат, сенатор, ҳоким, элчи, прокурор, судья, солиқчи каби фахрли лавозимларда самарали фаолият юритмоқдалар.

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида, мамлакатимизда «Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалари» қабул қилинган. Ушбу соҳадаги 5-мақсад — гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришдан иборат.

Бу, ўз навбатида, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа чораларни қамраб олади. Мазкур вазифаларни бажариш учун барча давлат органлари ва ташкилотлари, муассасалари, шунингдек, давлат аҳамиятидаги жамоат ташкилотлари масъулдирлар.

БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича маҳсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян 2019 йил Ўзбекистонга ташрифи асосида мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш юзасидан қабул қилинган қонун ва ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларга ижобий баҳо бериб, аёл су-

дьялар сонининг кўпайиши, шубҳасиз, Ўзбекистон Президентини амалга ошираётган изчил демократик ислохотларнинг яққол самарадорлигини намоян этишини таъкидлаганди.

Бу ўринда юртимизнинг яқин тарихида ҳуқуқшунос аёллар суд-ҳуқуқ соҳасида фаолият юритганлигини қайд этиш лозим. Ўзбекистон Олий суди раиси сифатида фаолият олиб борган академик Ҳадича Сулаймонова, Ўзбекистон Адлия вазири бўлиб ишлаган ҳуқуқшунос олима Мамлакат Восқова ҳамда Ўзбекистон Олий суди раиси бўлиб ишлаган Ҳалима Муҳитдинова шулар жумласига киради.

Жаҳоннинг етакчи давлатларида, хусусан, Марказий Осиё минтақасидаги давлатларда ҳам бу қўрсаткич анча юқори эканини кўриш мумкин. Масалан, Латвия давлатида аёл судьялар сони 78,6 фоизни, Руминияда 72,8 фоизни, Россияда эса 66 фоизини ташкил қилади.

Айни чоғда, яқин вақтларгача Ўзбекистон Республикаси Олий судида фаолият олиб бораётган аёл судьялар сони эркак судьяларга нисбатан деярли 24,2 фоизни ташкил этар эди. Шу нуктага назардан, мамлакатимизда бу борада гендер тенгликка эришиш бўйича яна бир чора — судьяликка номзодларни тайёрлайдиган



таълим муассасасига тингловчиларни қабул қилишда гендер тенгликни таъминловчи механизмларни жорий этишга киришилди.

Давлатимиз раҳбарининг суд-ҳуқуқ соҳасида гендер тенгликни таъминлаш бўйича механизмларни жорий этиш борасида берган топшириқларини бажариш мақсадида Олий суд ва Судьялар олий кенгаши томонидан алоҳида дастур қабул қилинди. Дастур мамлакатимизда аёлларнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги мавқеини ошириш, хусусан, аёл судьяларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Янада муҳими, 2025 йил 21 августда Ўзбекистон Президентининг «Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги

Одил судлов академияси ташкил этилди.

2023 йил 5 март куни ҳам Халқаро Аёл судьялар кунини муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан конференция ташкил этилди.

Жорий йил 5 мартда эса, Судьялар олий кенгашининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Аёл судьялар ассоциацияси ташкил этилди ва бу амалий қадам мамлакатимиз суд тизимида муҳим аҳамият касб этди. Ушбу Ассоциацияга юртимиз суд тизимида фаолият олиб бораётган 245 нафар аёл судья аъзо бўлди.

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида 31 нафар, Андижон вилоятида 15 нафар, Бухоро вилоятида 10 нафар, Қашқадарё вилоятида 10 нафар, Жиззах вилоятида 4 нафар, Навоий

вилоятида 10 нафар, Наманган вилоятида 19 нафар, Самарқанд вилоятида 14 нафар, Сирдарё вилоятида 5 нафар, Сурхондарё вилоятида 5 нафар, Хоразм вилоятида 8 нафар, Фарғона вилоятида 13 нафар, Тошкент шаҳрида 63 нафар, Тошкент вилоятида эса 25 нафар аёл судья фаолият олиб бормоқда.

Биргина Хоразм вилояти суди ва маъмурий суд кесимида оладиган бўлса, вилоят судида 6 нафар, маъмурий судида 2 нафар аёл судья фаолият юритиб келмоқда. Вилоят судида 52 нафар ҳодима фаолият юритаётган бўлса, шундан 14 нафари бошқарув ходими, 38 нафари техник ҳодимларни ташкил қилади.

Хулоса ўрнида шунини айтмоқчимизки, келгусида вилоят суди тизимида аёл судьялар сонини «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган даражага етказиш тақозо этилади.

Шундай экан, жойларда, олий таълим муассасаларининг юриспруденция йўналишида таълим олаётган талаба қизлар, давлат бошқарув тизимида фаолият олиб бораётган, олий юридик маълумотга эга бўлган хотин-қизлар орасида кенг қўламли тарғибот ишларини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бу саъй-ҳаракатларимиз орқали мамлакатимизда суд тизимида гендер тенгликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшган бўлаимиз.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Нўмон ака ўша ерда ҳам ўқитувчилик, ҳам ўрта мактабга директорлик қилди. Ҳозир пенсияга чиққан, Тошкентдаги ҳовлисига кўчиб келган. Аммо Гулнеҳра опа ҳамон ишлайди. Анча тетик. Ишқилиб, уларнинг умрлари узоқ бўлсин. Болаларининг роҳатини кўришин. Эшитишимча, ўғиллари Ҳасан, қизлари Шоира жуда яхши яшашар эмиш. Касблари яхши, обрўлари ҳам тузук эмиш. Кўз тегмасин.

Шундай қилиб, Ғофуржон ака иккаласи сигирнинг устига биттадан папирос қўйди. Кейин ариққа оёқларини солиб, ўзи ҳам папирос тутатди. У киши «Казбек» чекарди. Ҳар эҳтимомга қарши жим туринглар, деб бизга муштани кўрсатиб қўйди. Дадам ҳам оёқларини ариққа солиб ўлтирардилар.

Сигирлар жуда юввош чикди. Узоқ кутдик. Қани энди биттаси қимирласа! Қанча вақт ўтди, билмайман. Бизнинг болохонадан Ғофуржон акаларнинг ниҳоятда нотинч қора ити битта мушукни қувиб чикди. Мушук деворга етганда қаёққа қочишни билмай сигирларнинг устига ўзини ташлади. Аммо уларнинг устига эмас, ўртага, ерга тушди. Иккала сигир ҳуркиб, икки томонга ўзларини отишди. Папирослар барабар устларидан ерга тушди.

Дадам ҳам, Ғофуржон ака ҳам кулиб юборишди.

Энди нима қилишаркин, деб турган эдик, Ғофуржон аканинг хотинлари Лазоқат келинйои масалани ҳал қилди.

— Бечоралар қийналиб кетди. Соғиш керак. Ўзларингга яқин турганини олинглар-қўйинглар. Тезроқ соғайлик.

Бу гап ҳаммамизга маъқул бўлди. Мен дадамга яқин турган сигирнинг арқонидан тортидим. Шу билан иккала сигирни икки ёққа олиб кетаётганимизда ҳовлиқиб Ҳакимбек амаким келиб қолди.

— Қаёқдасизлар? Уруш! Герман



Тарих тилсимлари

бизга ҳужум қилибди.

Дадам билан Ғофуржон ака турган жойларида қотиб қолишди.

Биз болалар аввал нима бўлганини тушунмадик. «Уруш» деган сўздан баъзиларимиз хурсанд ҳам бўлдик. Ростакан урушни киши болалик чоғида кўргиси келади, унинг қанчадан-қанча ўлим, қон, фожиалар билан боғлиқлигини англамайди.

Ўша куни ярим кечагача ноқимиз тағидида тахта сўрида эркаклар гаплашиб ўтиришди. Ҳаммаси ўйчан эди. Битта амакимгина ҳар доимгидек тинч, хотиржам эди.

— Немис икки марта русни енгмоқчи бўлган. Икковида ҳам енгилди, шарманда бўлган. Наполеон ҳам тирақайлаб Москвадан қочган. Менга ишонинглар, русни енгилмас экан. Мана, кўрасизлар, икки, жуда бўлмаса, уч ҳафта ичида душман дабдала бўлади.

Минг афсуски, амаким айтгандай бўлиб чиқмади. Аммо икки-уч ой биз Тошкентда уруш кетаётганини деярли сезмадик. Магазинларда ғўшт, тур-

ли хил колбаса, шўр балиқ, хом балиқ, сариеғ бемалол эди. Қизил, қора икра бочка-бочкалаб турарди. Килоси, адашмасам, тўқсон сўм эди. Буни билганимки, менга докторлар балиқ ёғи ичиб, оз-озгина икра еб туришни буюрган эдилар. Опам ёки ойим билан магазинга бориб, олиб келардик. Нон дўконларда уч-тўрт хил нон кети узилмай турарди. Гижда нон, чуррак, французча оқ булка, оқ нон, думалоқ буханка, жайдари нон. Биз уйга кўпинча гижда ёки жайдари нон олардик. Гиждининг неча пул туриши ҳозир эсимда йўқ. Жайдари ноннинг буханкаси уч сўм йигирма тийин эди. Бундай мазали, катта, усти кесилганда курсиллайдиган нонни ҳозир ҳам билмайман. Уста нонвойлар кўп. Ширин нон пиширишади. Ўша пайтдаги нонни эса, мен ҳамон кўмсайман. Бу ношу-курчиладиган эмас. Ҳар бир ноннинг ўз мазаси, ранги, шираси бор. Ҳаммаси яхши. Аммо уруш арафасида Тошкентда пиширилган жайдари ноннинг мазаси жуда бошқача эди. Уни дадам ҳам, раҳматли акам ҳам яхши кўри-

шарди. Мен ҳам иштаҳа билан қаймоққа тўғраб ёки сариеғ суртиб ердим.

Ўша кунлари Бобобек амакимнинг ҳарбий хизматдаги ўғиллари Тўхтабек ака икки кунга уйга келди. У капитан унвонига бўлиб, офицер кийимида эди; тўқ яшил галифе шим, хром этик, ёқаларига капитанлик белгиси қадалган гимнастёрка, белида сариқ темир илгакли камар, биқинида тўппонча.

У келиши билан ҳамма қариндошларим дув этиб катта амакимнинг уйига ёпирилиб келишди. Кўни-кўшнлар ҳам бирпасда ҳовлини тўлдириб юборишди.

Тўхтабек ака, аввало, ҳаммани тинч-тишга интилди. Уруш узоққа чўзилмайди. Қизил Армиядек кучли армия дунёда йўқ, унга немислар бардош беролмайдилар, деди.

Ҳарбий офицернинг гапига ким ишонмайди? Ҳаммаси бирин-кетин уйга соғ, эсон-омон қайтишни тилаб, чиқиб кетди. Кечқурун бизникида Тўхтабек ака, амаким, Ғофуржон ака ва дадам узоқ гаплашиб ўтиришди. Ойим ош дамладилар. Ўшанда мен амакимнинг анча шашти пасайганини кўрдим.

Орадан бир кун ўтиб, Тўхтабек ака дадам билан вокзалга йўл олишди. Кетаётганида у ҳамма болаларни бир-бир кучоқлаб, ўлиб чиқди.

Тўхтабек ака шўх, ўйинқароқ, офицер бўлса ҳам, кўзларидан болалик аломатлари кетмаган ажойиб одам эди. Ҳеч нарсадан қўрқмасди. Уч-тўрт марта бўйинига тирик илон солиб кўчада юрганини, қизларни қўрқитганини кўрганман. Ҳамма болалар уни яхши кўришар ва ҳурмат қилишарди.

Урушга ҳарбий хизматда бўлиб, офицер унвонини олган яна бир қариндошимизни биламан. Абдуллабек амакиваччамиз эди. Урушнинг дастлабки ойлари у ҳам бир неча кунга уйга келиб кетди. Унвони майор эди.

(Давоми келгуси сонда)

Мулоқот

Савол беринг,
жавоб берамиз

— Агар ота-онадан бири ўз фамилиясини ўзгартирса ва улар ўртасида боланинг фамилиясини ўзгартириш бўйича келишув бўлмаса, бу масала қандай ҳал қилинади?

М. ДЎСТЖОНОВА,
Хўжайли тумани



— Бундай ҳолатда фамилияни ўзгартириш масаласи боланинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилинади. Хусусан, Оила кодексининг 227-моддасига кўра, фамилия, исм ва ота исми ўзгартирилганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтарлари ёзувларига тегишли ўзгартирилганда ҳам) хотин (эр)нинг ҳамда унинг вояга етган болалари фамилиясини ўзгартиришга

сабаб бўлмайди. Ота-она ҳар иккаласининг фамилиясини ўзгартирилганда, уларнинг ўн олти ёшга тўлмаган болалари фамилиясини ҳам ўзгартирилади.

Агар ота-онадан бири ўз фамилиясини ўзгартирса, уларнинг ўн олти ёшга тўлмаган болалари фамилиясини ўзгартириш масаласи ота-онанинг келишувига биноан, бундай келишув бўлмаганда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан ҳал этилади. Ота исмининг ўзгартирилиши унинг ўн олти ёшга тўлмаган болаларининг ота исми албатта, ўзгартирилишига сабаб бўлади.

Эр (хотин)нинг фамилиясини ўзгартирилиши (унга нисбатан оталик белгиланганда ҳам) хотин (эр)нинг ҳамда унинг вояга етган болалари фамилиясини ўзгартиришга

— Айтинг-чи, суд жараёнида боланинг фикрини инобатга олишда ёш аҳамиятлими?

М. ШОКИРОВ,
Сурхондарё вилояти

— Йўқ. Оила кодексининг 68-моддасига кўра, оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга ҳақлидир. Бунда қарор қабул қи-

лишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар боланинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиши керак.

— Айтинг-чи, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахсининг бу ҳуқуқи қандай ҳолларда қайта тикланиши мумкин?

А. ФАЙЗИЕВА,
Наманган вилояти

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш мумкинки, Оила кодексининг 82-моддасига асосан, ота-она ўз ҳулқ-атворини, турмуш тарзини ёки бола тарбиясига бўлган муносибати ўзгартирган ҳолларда ота-оналик ҳуқуқи тикланиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг (улардан бирининг) даввосига биноан суд тартибда амалга оширилади. Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги ишлар васийлик ва ҳомийлик органининг, шунингдек, прокурорнинг иштирокида кўриб чиқилади. Ота-онанинг (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги ишлар васийлик ва ҳомийлик органининг, шунингдек, прокурорнинг иштирокида кўриб чиқилади. Ота-онанинг (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги ишлар васийлик ва ҳомийлик органининг, шунингдек, прокурорнинг иштирокида кўриб чиқилади. Ота-онанинг (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги ишлар васийлик ва ҳомийлик органининг, шунингдек, прокурорнинг иштирокида кўриб чиқилади. Ота-онанинг (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги ишлар васийлик ва ҳомийлик органининг, шунингдек, прокурорнинг иштирокида кўриб чиқилади.

Саволларга фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яққасарой туманлараро суди судьяси Сунбула УМАРОВА жавоб берди.

Тергов судига тақдим қилинган ҳужжатларга қараганда, бу воқеа ўтган йилнинг куз чоғи Урганч шаҳридаги марказий деҳқон бозорига рўй берган.

Баён этилишича, 1980 йилда туғилган Қудрат Бобониезов (исм-шарифлар ўзгартирилган) назоратчи Азамат Аҳмедовни беҳаё сўзлар билан ҳақорат қилган, шаъни, қадр-қимматини таҳқирлаган. Буни камлик қилгандай, унга тегишли мобил телефон ускунасини шикастлаган, шу ердаги автоматлаштирилган сунъий тўсиқ ҳамда бинонинг ойналарини уриб синдириган. Ҳовурини бу билан ҳам бо-солмаган чоғи, Қ.Бобониезов А.Аҳмедовни дўппослаб, унга тан жароҳати ҳам етказган. Шунингдек, у хизмат вазифасини ўтаётган ҳуқуқ тартиботи ходими Б.Камоловнинг қонуний талабини бажаришдан бош тортган ва унга фаол қаршилик кўрсатган. У бу қилмиши билан деҳқон бозорига 22 миллион 750 минг сўм миқдорда зарар етказган.

Албатта, бундай қилмиш беиз кетмади, аниқроқ айтганда, Қ.Бобониезовга нисбатан Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми "в" ва шу модда 3-қисми "г" бандлари бўйича жиноят иши кўзга тилиди. Гумонланувчи эҳтиёт чораси сифатида вақтинчалик ҳибсга олинди.

Бу ҳақда фикр юритганда, яна шуни айтиш керакки, вақтинчалик ҳибсга олиш эҳтиёт чораси 1991 йил Урганч шаҳрида туғилган Г.Матниёзовга нисбатан ҳам қўлланилди. Маълум бўлишича, у аёл боши билан товламачиликка қўл ургани етмагандек, аёл шаънига иснод келтирувчи жирканч иш билан ҳам шугулланган.

Охир-оқибатда Жиноят ко-

Жиноятга жазо муқаррар

Адолат тамойили

қонуний ва асосли жазо тайинлашда муҳим ўрин тутмади

дексининг товламачиликка оид 165-моддаси 3-қисми "а" банди бўйича жавобгарликка тортилган.

Г.Матниёзовга содир этган жиноий қилмишнинг совуқ турқи даставвал ўтган йилнинг апрел ойида 1993 йил Шовот туманида туғилган Бектурди Исмоилов билан интернет тармоғи орқали танишгач, юз кўрсатади. Г.Матниёзовга ўз хуштори билан ўрталаридаги муносибатни кейинчалик тубан ниятда фойдаланиш мақсадида яширинча тасвир-сунъий тўсиқ ҳамда бинонинг ойналарини уриб синдириган. Ҳовурини бу билан ҳам бо-солмаган чоғи, Қ.Бобониезов А.Аҳмедовни дўппослаб, унга тан жароҳати ҳам етказган. Шунингдек, у хизмат вазифасини ўтаётган ҳуқуқ тартиботи ходими Б.Камоловнинг қонуний талабини бажаришдан бош тортган ва унга фаол қаршилик кўрсатган. У бу қилмиши билан деҳқон бозорига 22 миллион 750 минг сўм миқдорда зарар етказган.

Аммо товламачи аёлнинг нафси бу билан қониқмайди. У Б.Исмоиловдан янада мўмайроқ миқдорда пул ундиришни кўзлайди. Бу гал у ўртадаги "ишқий сир"нинг янги баҳосини 228 миллион сўм миқдорига белгилайди. Б.Исмоилов оилавий дахл-сизлигини асраш вақидан аёлнинг бу талабига ҳам кўнади. Аммо бироз фурсат ўтгач, у фикрини ўзгартиради ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилади. Товламачи-таъмагир аёлнинг қилмишлари пайи ана шу аснода қирқилади. "Узаро келишилган" 228 миллион сўмнинг 28 миллион сўмини олаётган маҳал раб этилмас далиллар асосида қўлга олинади.

Г.Матниёзовга дастлабки суриштирув чоғи қилмишидан


тонмади. Б.Исмоиловга оид сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш ва уни турли мураккаб вазиятларга дучор этиш билан таҳдид қилгани яққол аён бўлди.

Бу эса, қилмиш юки анча оғир эканидан далолат беради ва бу ҳолат прокурорнинг илтимосномасида ҳам қайд қилинди. Хусусан, унга нисбатан қамоқ эҳтиёт чорасини қўллаш сўралди.

Бинобарин, бундай чора Жиноят-процессуал кодексининг 236-моддаси биринчи қисмига кўра, айбланувчининг суриштирув, дастлабки тергов ва суддан бўйин товлашига изн бермаслик, унинг олдини олиш, жиноий фаолиятига барҳам бериш, ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилувчи ҳолларга йўл қўймаслик, ҳужм ижросини таъминлаш мақсадида терговга ҳамда одил судловга монеа бўлақ илж топа олмайди ва 50 миллион сўмни товламачининг қўлига тутқазади.

Аммо товламачи аёлнинг нафси бу билан қониқмайди. У Б.Исмоиловдан янада мўмайроқ миқдорда пул ундиришни кўзлайди. Бу гал у ўртадаги "ишқий сир"нинг янги баҳосини 228 миллион сўм миқдорига белгилайди. Б.Исмоилов оилавий дахл-сизлигини асраш вақидан аёлнинг бу талабига ҳам кўнади. Аммо бироз фурсат ўтгач, у фикрини ўзгартиради ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилади. Товламачи-таъмагир аёлнинг қилмишлари пайи ана шу аснода қирқилади. "Узаро келишилган" 228 миллион сўмнинг 28 миллион сўмини олаётган маҳал раб этилмас далиллар асосида қўлга олинади.

Г.Матниёзовга дастлабки суриштирув чоғи қилмишидан



ёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида унинг ёшени, соғлиги ҳолатини, оилавий аҳволини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қамоққа олиш мақсадга номувофиқ деб топилган тақдирда қўлланилади.

Кодекснинг 238-моддасида "Эҳтиёт чораларидан қайси бирини қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ушбу ҳужжатнинг 236-моддасида назарда тутилган асослардан ташқари қўйилган айбнинг оғирлигини, айбланувчининг шахсини, машғулоти турини, ёши, соғлиги, оилавий аҳволи ва бошқа ҳолатларни ҳам ҳисобга олиши" белгиланган.

Масаланинг бу жиҳати назарда тутилса, адолат ва ҳақонийликнинг шу сингари намуналаридан биринчи галда айбланувчи тараф баҳраманд бўлмоғи керак. Ва амалда ҳам шундай бўлди. Гумонланувчи Г.Матниёзовга муҳим яшаш жойига эга экани, дастлабки тергов органининг қақуривига асосан етиб боргани, яшириниша уринмагани, қақуривига бирор маротаба ҳам айтилган вақтида бормаганлик ҳолати кузатилмагани, мажбурий тартибда келтириш тўғрисида қарор чиқаришга етакловчи ноҳўя ҳаракатлар содир қилинмагани, ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилинаётганига доир далиллар тўпланмагани, бундай ҳужжат-

лар иш материалларида ҳам мавжуд эмаслиги аниқланди. Айбланувчининг оилавий аҳволига келсак, у вояга етмаган бир нафар фарзанднинг ягона боқувчиси, муқаддам судланмаган.

Шунга кўра, суд унга нисбатан "уй қамоғи" тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни мақсадга мувофиқ, деб топди. Айбланувчи суд залидан озодликка чиқарилди.

Айнан шундай мурувват мақоламиз аввалида зикр қилинган ва Урганч Марказий деҳқон бозорига безорилик жиноятини содир этган Қудрат Бобониезовга нисбатан ҳам қўлланилди.

Инсонларварлик тамойилига асосланган ҳолда уй қамоғи жазосининг тайинланиши жиноят ҳуқуқидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим қўриғини ҳисобланади. Ушбу ёндашув орқали шахсни жамиятдан тўлиқ ажратмасдан туриб, унинг ҳулқ-атворини назорат қилиш, қайта тарбиялаш ва ижтимоий мослашувини таъминлаш имконияти яратилади. Шу билан бирга, бу жазо тури жазонинг адолатлилиги ва мақсадга мувофиқлигини таъминлаб, жамият ва шахс манфаатлари ўртасида мувозанатни сақлашга хизмат қилади.

Элёрбек БОБАЖОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди тергов судьяси